**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
(ЎзМУ ректори)
2020 йил 30 июнь

**"КЕЛИШИЛДИ"**
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2020 йил 29 август

Рўйхатга олинди: № БД-______
2020 йил 29 август

# Ф А Л С А Ф А
# ФАН ДАСТУРИ

**Барча таълим йўналишлари учун**

**Тошкент 2020**

| Фан/модуль коди<br>**FALB204** | | **Ўқув йили**<br>2020-2021 | **Семестр**<br>3 | **ECTS - Кредитлар**<br>**4** | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Фан/модуль тури**<br>Мажбурий | | **Таълим тили**<br>Ўзбек | | **Ҳафтадаги дарс соатлари**<br>4 | |
| **1** | **Фаннинг номи** | | **Аудитория машғулотлари (соат)** | **Мустақил таълим (соат)** | **Жами юклама (соат)** |
| | **Фан фалсафаси** | | 60 | 60 | 120 |

**2**

## I. Фаннинг мазмуни

**Фанни ўқитишдан мақсад -** талабаларнинг Фалсафа фани тўғрисидаги илмий, назарий ва амалий билимларини шакллантириш.

**Фанни вазифаси** – талабаларга фалсафий, илмий ва диний билимнинг тафаккур услубининг ўзгаришига таъсири**,** табиий илмий билимларнинг ижтимоий ахамиятинини, техник ва технологияларнинг инсон прагматик эҳтиёжларига жавоб сифатидаги эволюциясини, маданият, оммавий маданият ва оммавий маданиятсизликнинг ўзаро алоқаси ва фарқинини, диний маданий анъаналарда оила ва фарзанд, тарбиясига оид ғояларининг аҳамияти, диний билимларнинг фанатизм, диндорлик, шаманизм, терроризмдан фарқини диний эътиқоднинг йўналишларини, глобал жараёнлар ва барқарор тараққиёт омилларининг ўзаро мутаносиблигини, таълим фалсафаси ва фалсафа таълимининг дунёқарашни шакллантиришдаги ўрнини, коррупция нима, у қандай шаклланади, коррупцияни бартараф этиш йўллари ва воситалари масаласини, дунёвий билим ва малакаларни янгиланаётган Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнида тўлиқ намоён қилиш, ижтимоий масъулиятни ҳис қилишни ўргатишдан иборат.

## II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

### 1-МОДУЛ. ФАЛСАФА

### 1-мавзу. Фалсафа фанининг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли

Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши. Фалсафа шаклланишининг асосий босқичлари. Дунёқарашнинг интеллектуал, эмоционал ва руҳий асослари. Дунёқарашнинг тузилиши. Дунёқарашнинг тарихий шакллари: миф, дин ва фалсафа. Фалсафанинг предмети ва унинг ўзгарувчан характери. Фалсафанинг функциялари. Фалсафанинг жамиятдаги роли ёки амалий фалсафа. Фалсафанинг ижодий характери. Ҳозирги даврда миллий фалсафани ривожлантириш ва халқаро алоқаларни ташкил этишнинг аҳамияти. Фан тараққиётига оид ёндашувлар презентизм ва антикваризм, экстернализм ва интернализм, сциентизм ва антисциентизм. Фан тараққиётининг

асосий босқичлари. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг вужудга келиши, ривожланишининг умумий қонуниятлари. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ўзига хослиги, бетакрорлиги, умумий жиҳатлари ва фарқи. Ҳиндистон фалсафасининг вужудга келиши. Хитой фалсафаси. Қадимги Юнонистон фалсафаси. Қадимги Марказий Осиёда фалсафий қарашлар. Шарқ ва Ғарб фалсафасида оламга муносабат. Қадимги Ғарб ва Шарқ фалсафасининг муаммоларидаги фарқлар. Ўрта аср Ғарб ва Шарқ фалсафаси ривожланишининг умумий белгилари. Ғарб ва Шарқ фалсафасида диннинг ҳукмронлиги. Теоцентризм ғоясининг устиворлиги. Ўрта асрлар Европасида фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари. Илк ўрта асрларда фалсафий тафаккур ривожи: апологетика ва патристика. Схоластика. Номинализм ва реализм. Ўрта аср Шарқ фалсафаси. Марказий Осиёда фалсафий фикрлар ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароит. Марказий Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамиятга оид қарашлари. Сўфизм фалсафаси. Фалсафа тарихидаги қарашларнинг инсон маънавий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни.

Янги давр фалсафасининг ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий шароит. Ижтимоий фанларда табиий, ижтимоий, ҳуқуқ назариясининг ишлаб чиқилиши. Янги давр Ғарб ва Шарқ фалсафасидаги асосий муаммолар. XVIII аср Европа фалсафасининг маърифий хусусиятлари. Немис классик фалсафасида табиат, жамият ва тафаккурнинг талқини. XX-XXI аср Ғарб фалсафаси.

XX-XXI аср ўзбек фалсафаси**.** Жадидчиликнинг маърифатпарварлик ғоялари. Ўзбек фалсафаси Ўзбекистонда фалсафа илмини ривожлантириш муаммолари. Фалсафанинг бошқа фанлар билан уйғунлиги. Фалсафа ва фаннинг ўзаро мутаносиблиги, фарқи. Ҳозирги даврда фан ва фалсафага муносабат.

## 2-мавзу. Борлиқ фалсафаси (Онтология)

Борлиқ фалсафанинг предмети. Онтология тушунчасининг таҳлили. Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси. Борлиқ масаласида фалсафа ва фан синтези. Борлиқ ва йўқлик диалектикаси. Борлиқ шаклларининг таснифи: Энергия борлиқ шакли. Оккультизм ва спиритуализм борлиқ ҳодисаси. Эзотерик билим табиати. Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Тирик табиат ёки ҳаётнинг пайдо бўлиши. Фалсафа ва физикада субстанция, субстрат ва материянинг ўзаро алоқаси. Материянинг субстанционал, субстрат, генетик контраст ва атрибутив концепциялари. Дунёнинг чеклилиги ва чексизлиги. Фалсафа тарихида ҳаракатнинг талқини. Ўзгаришларнинг умумий хусусияти. Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати. Ҳаракат типлари ва шакллари. Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари. Фалсафа тарихида макон ва вақтга субстанционал ва реляцион ёндашувлар. Ижтимоий макон. Ижтимоий вақт. Тарих вақти. Даврнинг руҳи ва ижтимоий вақтнинг уйғунлиги.

Табиат тушунчасининг кенг, тор ва махсус маънолари. Фалсафа тарихида табиат ва уни асрашга муносабат. Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги. XX асрда табиат воқелиги: экологик танглик. Экодинамикани глобал, минтақавий ва маҳаллий миқёсларда ривожлантиришнинг аҳамияти. Ҳозирги дунёда экология соҳасидаги оқилона сиёсат: халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги. Ижтимоий ривожланиш ва географик муҳитнинг ўзаро алоқадорлиги. Географик мактаблар. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш амалиёти: ютуқ ва камчиликлар. Ижтимоий экология муаммолари. Биосфера ва ноосфера уйғунлиги. Янги борлиқнинг шаклланиши. Коэволюция ва инвайронментализм назарияси.

| | | |
|---|---|---|
| | | **3-мавзу. Жамият фалсафаси ва инсон борлиғи**<br>Жамият ҳақидаги фалсафий таълимотлар тарихи. Жамият пайдо бўлишининг илмий, иқтисодий асослари. Бозор муносабатлари ва тадбиркорликнниг тариихй типлари. Ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий иқтисодий муносабатлар, мулк ва мулкчилик диалектикаси. Жамиятнинг маънавий, ижтимоий сиёсий тизими. Фуқаролик жамияти институтлари. Жамият ривожига тарих фалсафаси нуқтаи назаридан ёндашувлар. Тарихнинг мазмуни ва йўналишлари. Тарихий қонуният хақида бахслар. Тарих хақидаги концепцияларнинг гносеологик онтологик ва аксиологик йўналишлари. Тарихда шахснинг роли. Тарихда инсон такдири. Зиёлилар ва интеллектуал элитанинг модернизация давридаги роли.<br>Цивилизация тушунчаси ва унинг типлари (П.Сорокин таълимоти асосида). Фалсафа тарихида цивилизацияга турли ёндашувлар таснифи (ал Форобий, Ибн Халдун, Н.Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби). Жамият ҳаётига цивилизациянинг таъсири. Цивилизациянинг асосий элементлари: сиёсат, маданият ва иқтисодиёт. Маданият ва цивилизация мутаносиблиги. Маданий тараққиётнинг синергетик талқини: тўлқинлар, хукмронлик давридаги тартиб ва хаос бирлиги. Ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий маданият.: Анъанавий, диний, континентал Европача англосаксонча ҳуқуқий тизимлар типлари. Ҳуқуқий маданиятнинг жиҳатлари: қонун чиқарувчи, хокимият, аҳоли хуқуқий маданият. Сиёсий маданиятнинг типлари: анъанавий, харизматик расмий. Расмий - легал маданиятнинг моделлари: тоталитар, демократик. Ўзбекистондаги сиёсий маданиятнинг йўналишлари. Технологик маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Маданияда техниканинг образи. Маданиятда техниканинг функцияси. Анъанавий маданиятдан креатив маданият сари. Оммавий маданиятнинг шаклланиш тарихи. Субмаданият, попмаданият, экран маданиятининг таснифи. Оммавий маданиятсизлик. Маданий коммуникацияларнинг ўзаро алоқадорлиги. Маданий фаолият ва маданий эҳтиежлар уйғунлиги. Элитар маданият ва индивидуал маданият. Элитар таълим ва тарбия йўналишлари. Дунё халқлари маданиятидаги умумийлик ва фарқлар.<br>Хозирги замон одамининг қиёфаси. Фалсафа тарихида инсон моҳиятига оид қарашлар таснифи. “мен” ва “мен эмас” хакида Ж.Румий қарашлари. Н.Гумилевнинг пассионар, субпассионар одамлар хакидаги таълимоти. К.Юнг архитиплар назарияси. Иррационализм онг ҳақида. Гиллозоизм таълимоти. Инсон ва олам диалектикаси. Антроп космологик тамойил. Онг табиати. Онгнинг структураси ва функциялари. З.Фрейд онгсизликнинг табиати ҳақида. Ижтимоий жараёнларда онглилик ва онгсизликнинг намоён бўлиши. Индивидуал онг ва ижтимоий онг борлиғи. Тил онг ва тафаккур имкониятлари. Клипли тафаккур ва технологик тараққиёт. Инсонга оид теоцентрик ёндашувлар. Инсонга нисбатан биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари. Фалсафаий антропология ва элитологиянинг уйғунлиги. Ҳаётнинг маъноси ва унда инсоннинг вазифаси. Евгеника ва биоэтика. Ҳаётни тарк этиш босқичлари. Суицид, парасуицид, эвтаназия ва унинг шакллари, эсхатологиянинг моҳияти. Инсоннинг оламдаги ўрни.<br><br>**4-мавзу. Ривожланиш назарияси (Диалектика)**<br>Фалсафа тарихида ривожланиш ҳақидаги қарашлар эволюцияси. Шакллланиш, ўзгариш, ривожланиш ва тараққиёт тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи. Ривожланишнинг фаталистик, волюнтаристик, эмержент талқинлари. Диалектика ривожланиш хақидаги таълимот. Метафизика ва неометафизика, софистика, эклектика, догматизм ва консерватизм ривожланиш мукобиллари. Ривожланишнинг |

умумий қонунлари ва категорияларининг таснифи. Априор ва апостериор тушунчасининг моҳияти. Қонун тушунчаси. Қонунларнинг турлари: воқелик қонунлари, базис ва локал қонунлар. Фалсафа қонунларининг асосий шакллари. Қарама-қаршилик ва зиддият. Зиддиятларнинг турлари. Айният ва тафовут. Зиддиятларнинг турлари. Миқдор ва сифат ўзгаришлари диалектикаси. Сифат, миқдор, меъёр, хосса, сакраш категориялари. Инкорни-инкор қонуни ва ворисийлик. Фалсафа тарихида категорияларга турли муносабатлар. Категория тушунчаси ва уларнинг турлари. Фалсафа категорияларининг таснифи. Метод, методика ва методология тушунчаси. Фалсафа тарихида методлар ҳақидаги ёндашувлар. Методларнинг таснифи: Фан ва фалсафа методлари. Умумилмий методлар, хусусий илмий методлар, фанлараро тадқиқот методлари. Ижтимоий гуманитар фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стадис, абдукция. Эвристика янги методологик тамойил. Тизим, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи. Тизим динамикаси.

**5- мавзу. Билиш фалсафаси (Гносеология)**

Билиш амалиёт ижод уйғунлиги. Фалсафа тарихида билишга оид қарашлар эволюцияси. Билимнинг асосий турлари ва шакллари. Билишда субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси. Билиш фаолиятида рационаллик ва иррационаллик диалектикаси. Билишдаги қарама-қаршиликлар. Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи. Хақиқат билиш мезони. Фалсафа тарихида ҳақиқатга муносабат. Ҳақиқатнинг асосий шакллари ва концепциялари. Исботлаш ва рад этиш. Ҳақиқатни англашда эмоция, идеал, ирода, ишонч ва шубҳанинг роли. Верификация тамойили. Ҳақиқат ва янглишиш, ёлғон ва дезинформация (ёлғон ахборот). Ҳақиқатни билишда назария, амалиёт ва фаолият бирлиги. Амалиёт ва фаолиятнинг мутаносиблиги. Фаолиятнинг тузилиши ва атрибутлари. Ижодий ва ноижодий фаолият. Ўйин фаолият сифатида. Хақиқатга эришишда тушуниш ва тушунтириш диалектикаси. Фалсафа тарихида тушуниш санъати ҳақидаги қарашлар эволюцияси. Тушунишда маънони англашнинг аҳамияти. Символ, семиотика ва диалог тушуниш воситаси. Онтологик, гносеологик, аксиолик символлар. Тушуниш ва тушунтиришнинг мутаносиблиги. Тушунтириш илмий билимни тушуниш шакли.

**6-мавзу. Глобаллашув ва барқарор тараққиёт фалсафаси**

Глобаллашув, глобалистика ва барқарор тараққиёт тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи. Глобал жараёнларда барқарорлик ва беқарорлик диалектикасининг моҳияти ва даражалари. Барқарор тараққиётни таъминлашда глобаллашувнинг ижобий ва салбий йўналишлари. Глобал жараенлар таснифи. Миграция ва урбанизация барқарорлик ва беқарорлик омили. Глобал жиноятчилик ва унинг олдини олишда халқаро хамкорликнниг зарурати. Спортнинг глобал сиёсий характери. Пандемия - XXI асрнинг глобал муаммоси ва уни бартараф этишда хусусий ва умумий манфаатлар уйғунлиги. Глобал онгни шакллантиришнинг сиёсий зарурати, Глобал жараёнларни прогнозлаштиришнинг ижтимоий зарурати. Covid19 – муаммоси.

Инсоният тарихида тарбия ва таълимнинг ривожланиш босқичлари. Миллий фаровонликни яратиш манбалари. Миллий таълим тизимлари. Таълимга оид Болония декларациясининг инновацион характери. Замонавий таълим моделлари. Таълимнинг

мазмуни ва уни ташкил этиш шакллари ва усуллари. Таълим ривожланишнинг асосий ресурслари. Дунё ва Ўзбекистонда таълим ва тарбия амалиёти

**7-мавзу. Мантиқ билиш назариясининг таркибий қисми**

Тафаккур- мантиқ илмини ўрганиш обьекти. Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари. Формал мантиқнинг предмети ва структураси. Тафаккур қонунлари, уларнинг мазмуни ва тўғри фикр юритиш учун аҳамияти. Тушунчанинг турлари ва тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. Тушунчани таърифлаш (дефиниция). Номинал ва реал таърифлар. Таърифлаш қоидалари ва уларни бузганда келиб чиқадиган мантиқий хатолар. Таърифлашга ўхшаш усуллар. Тушунчаларни бўлишнинг мақсади ва тузилиши.

Ҳукм тафаккур шакли сифатида. Ҳукмнинг таркиби ва хусусиятлари. Хулоса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсифи. Хулоса чиқаришнинг тузилиш. Хулоса чиқариш турлари. Оддий қатъий силлогизм, унинг таркиби, аксиомаси ва умумий қоидалари. Силлогизм фигуралари ва модуслари. Энтимема. Мураккаб ҳукмлар ёрдамида силлогистик хулоса чиқариш. Индуктив хулоса чиқариш. Индукциянинг тажриба натижаларини умумлаштириш билан алоқаси. Индуктив хулоса чиқаришнинг турлари. Аналогия, унинг турлари. Аналогия ва моделлаштириш. Далиллаш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиш жараёни.

Аргументлаш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши. Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. Ишонч- эътиқоднинг типлари. Исботлаш тушунчаси ва тузилиши. Исботлаш турлари. Асосларни танқид қилиш ва рад этиш. Исботлаш усулини танқидий анализ қилиш. Исботлаш ва рад этиш қоидалари, уларни бузганда келиб чиқадиган хатолар. Паралогизм ва софизмлар. Муаммо тушунчаси. Илмий муаммоларнинг вужудга келиши ва мантиқий тузилиши, уларнинг турлари ва ечими. Гипотеза-билимларнинг мавжуд бўлиш ва тараққий этиш шакли. Гипотеза турлари. Ишчи гипотезалар. Назария билимларнинг мантиқий тизими сифатида.

**8-мавзу. Этика**

“Этика” фанининг предмети, моҳияти, унинг асосий белгилари ва тузилмаси. Ахлоқнинг пайдо бўлиши. Гедонизм ва эвдемонизм. тушунчаларининг аҳлоқий аҳамияти. Ахлоқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний, эмпирик ва генетик концепциялар. XXI асрда глобал этосфера (ахлоқий муҳит)ни яратишнинг зарурияти. Этиканинг категориялари, тамойиллари, меъёрлари. Буюк мутафаккирлар этика категориялари ҳақида.

Никоҳ энг қадимги ахлоқий муносабат шакли. Никоҳнинг қонуний ва диний асослари. Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири. Оила номуси ва шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти. Ажралиш ва унинг ахлоқий камолотга салбий таъсири. Оилавий муносабатларга ноанъанавий ёндашувларнинг оқибатлари: бир жинсли никоҳ, никоҳсиз оилалар. Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Оила шартномасининг ахлоқий жиҳатлари.

Муомала маданияти – ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми. Муомала одобининг ижтимоий-тарихий аҳамияти. Асосий ахлоқий қадриятлар. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги. Инсоннинг касбий одоби. Шахс ахлоқий камолотида таълим ва тарбиянинг ўрни. Тиббий ва экологик тарбиянинг ахлоқий асослари. Соғлом турмуш тарзининг баркамол авлод ахлоқий тарбиясидаги

| | |
|---|---|
| | аҳамияти. Санъатнинг шахс ахлоқий тарбиясига таъсири. Замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуқлари ва камчиликлари. “Оммавий маданият”нинг ёшлар дунёқарашига таъсири. Замонавий ахлоқий тарбияда космополитизмга мойиллик. Этиканинг замонавий муаммолари. Виртуал оламнинг ахлоқий масалалари. Биоэтика – амалий этиканинг назарий асоси. Этиканинг замонавий муаммоларига диний ва илмий ёндашувлар.<br><br>**9-мавзу. Эстетика**<br>“Эстетика” - нафосатни ўрганувчи қадимий фан. “Эстетика” фанининг обьекти ва фалсафий моҳияти. “Эстетика” ҳақидаги қарашлар тарихи. Инсон эстетик эҳтиёжини қондиришнинг замонавий муаммолари. Эстетика категорияларининг анъанавий ва замонавий таснифи. Гўзаллик ва унинг муқобиллари: ҳунуклик, бадбашаралик, беўхшовлик, номутаносиблик. Улуғворлик категориясининг фалсафий моҳияти. Улуғворликнинг тубанлик, худбинлик, сотқинлик билан зиддияти. Фожеавийлик (трагедия) категорияси. Фориғлаш - фожеавий асарнинг хусусияти сифатида. Кулгililик категорияси. Эстетика категорияларининг ўзаро алоқадорлиги. Мўъжизавийлик, ҳаё (ибо-ҳаё) ва қизиқарлилик эстетика категорияларини ривожлантирувчи мезон сифатида.<br>Табиат эстетикаси. Инсоният тафаккури тарихида табиатга эстетик муносабатнинг зарурияти ҳақидаги қарашлар. Табиатнинг эстетик хусусиятлари. Экологик эстетиканинг қадриятли мақоми. Табиатни эстетик идрок этишнинг анъанавий ва ноанъанавий усули: табиатни асл ҳолида идрок этиш, табиатни бадиий образларда ифодалаш. Экоэстетиканинг XXI аср илмий-техник тараққиётдаги ўрни. Техноген цивилизациянинг ишлаб чиқариш эстетикаси ва фан тараққиётига таъсири. Маиший турмуш эстетикаси ва унинг технологияси. Техниканинг инсон эстетик манфаатлари ва фаолияти билан боғлиқлиги. Замонавий шаҳарсозлик эстетикаси. Дизайннинг эстетик хусусиятлари. Табиат ва маиший турмуш дизайни. Халқ амалий санъати ва дизайн.<br>Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда тарбия шаклларининг узвийлиги: Эстетик тарбиянинг турлари ва йўналишлари. Шахсни эстетик тарбиялашда фан, таълим ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги. Меҳнат - турмуш эстетикасининг муҳим омили. Инсонда хулқ гўзаллигини шакллантиришнинг замонавий кўринишлари. Инсон табиий гўзаллиги билан эстетик диднинг мутаносиблиги: “Оммавий маданият”нинг ёшлар эстетик дидига таъсири. Спорт ва унинг маънавий-эстетик жиҳатлари; спорт эстетикасининг замонавий аҳамияти. Воқеликка эстетик муносабатнинг миллий ва умумбашарий аҳамияти. Эстетик қадриятлар – барқарорликни таъминловчи омил. Оламни эстетик англашда жамият ахборотлашувининг роли. Рекламанинг эстетик хусусиятлари. Реклама фаолиятига эстетик қонуниятларнинг таъсири. Рекламалардаги ғайриэстетик ҳолатлар ва уларнинг кўринишлари.<br><br>**2- МОДУЛ. ДИНШУНОСЛИК**<br>**10-мавзу. Дин маданият феномени**<br>Дин, диншунослик, дин фалсафаси, теология, теософия художўйлик тушунчаларининг маъноси ва уларнинг ўзаро алоқаси. Дин пайдо бўлишининг психологик омиллари, объектив ва субъектив шароитлари. Қадимги Миср динларининг ахлоқ тарбиясидаги роли. Миллий динлар: зароастризим, индуизм, жайнизм, сикхизм, парсизм, конфуцийчилик, даосизм, синдо, иудаизм. Миллий |

| | | |
|---|---|---|
| | | динларнинг замонавий кўринишлари. Дин, дин фалсафаси ва диншунослик тушунчаларининг маъноси. Диншуносликнинг категориялари. Диннинг структураси: диний онг, фаолият, диний муносабат. Диний эътиқод ва рационаллик. Курьонда виждон эркинлиги ҳақидаги дастлабки ғоялар таснифи. Дунё мамлакатлари ва Ўзбекистонда Виждон эркинлиги хақидаги қонун қабул қилинишининг ижтимоий маданий аҳамияти. Диннинг сиёсийлаштириш оқибатлари. Диний амалиётнинг ўзига хос хусусиятлари.<br>Буддавийлик динининг пайдо бўлиши тарихи, асосий таълимотлари. Буддавийлик оқимлари: жанубий буддизм (хинаяна), махаяна, Ваджраяна. Буддизимда роҳиблик. Буддизм манбалари. Ўрта асрларда Дзэн буддизм таълимоти. Хозирги даврда буддавийликнинг ривожланиши.<br>Христианликнинг пайдо бўлиши ва асосий йўналишлари: православ дини, католицизм, протестанцизм. Христиан дини конфессиялари, таълимотлари. Христиан дини манбалари. Христиан динининг асосий жиҳатлари. Хозирги даврда христиан динининг ривожланиши ва дунё давлатларидаги ўрни.<br><br>**11-мавзу. Ислом дини ва тарихи**<br>Арабистондаги исломгача даврдаги ижтимоий сиёсий шароит. Муҳаммад САВнинг Пайғамбарликгача хаёти. Пайғамбарликнниг Макка даври. Мадинадаги асосий мусулмон давлатлари. Мухаммад САВ охирги Пайғамбар. Исломнинг асослари. Ислом дини фарзлари. Сунна-Мухамммад Пайғамбарнинг ўгитлари. Мухаммад Пайғамбарнинг вафоти ва Халифаликнинг пайдо бўлиши. Халифалик бошқарувида ислом дини ривожи. Исломнинг асосий оқимлари ва йўналишлари. Исломнинг асосий диний ҳуқуқий мактаблари. Дунё ва Ўзбекистоннинг исломшунос олимлари. Совет иттифоқи даврида динга эътиқод қилиш амалиети. Дунё ва Ўзбекистонда ислом динининг мавқеи.<br>Қурьон, сура ва оят тушунчаларининг маъноси, уларнинг ислом маданиятидаги ўрни ва аҳамияти. Мусулмон маданиятида куръоншунослик: таржималар ва изоҳлар. Курьон қўлезмасини тайёрлаш тарихи. Қуръон ўқиш нормалари. Ўзбекистонда қурьоншунослик. Хадис тушунчасининг маъноси унинг ислом динидаги роли ва ахамияти. Пайғамбар ва унинг ҳадислари; ўрганиш ва тарқалиш жараёни. Ҳадисларнинг структураси ва турлари. Ҳадислар таснифи Буюк хадисшунослар хаёти ва ижоди. Ўзбекистонда хадисшунослик ривожи.<br>Суфий сўзининг маъноси ва унинг тарихи, асосий ғояларининг таснифи. Суфизм таълимоти ва анъаналарини тизимлаштиришнинг аҳамияти. Шаъриат ва тарикат, маърифат ва ҳақиқат. Пир ва муридлар. Муршид ва муридлар сифатлари. Кушайрининг суфизм хақидаги таълимоти. Суфизм ва мистицизм. Мусулмон мистицизмниннг асосий тушунчалари ва категориялари. Суфизм ва пантеизм. Суфизимда билиш ва муҳаббат уйғунлиги. Суфизмда Курьон талқини. Суфизм назариётчилари. Суфизм назарияси ва амалиётининг структураси. Суфизм жамиятлари. Мухаммад ал ғаззолий ва Ахмад Ғаззолийнинг таълимоти. Сухраварди таълимоти. Ин ал Жаузи суфий таълимотининг танкидчиси. Ибн Араби таълимоти. Ф.Аттор ва Ж.Румий таълимоти. Жомий ва Шерозийнинг таълимоти. Суфизм тариқатлари, ривожланиш босқичлари. Нажмиддин Кубро сўфизм тарикати асосчиси. Яссавий тарикатининг моҳияти. Марказий Осий, Туркия ва Хиндистонда Накшбандия тарикатининг ривожи. Қодирия тариқати. Суфизмнинг инқирози. Суфизм ва хозирги замон.<br>Исломда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий тенглик адолат ва толерантлик. |

Исломда атроф мухитни мухофаза қилишнинг устивор йўналишлари. Исломда ватанга мухаббат.

Исломда никоҳ ва оилавий муносабатлар талқини, аёл мақоми. Эр - хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Исломда ота-оналарга муносабат ва фарзанд тарбиясидаги масъулият.

Исломда ахлоқий қадриятлар. Хижоб муаммо ва ечим. Мусулмоннинг маънавий қиёфаси, жамиятдаги хулқ атвори. Исломда дўстлик ва ўзаро ердам. Ислом ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи. Мусулмон маданияти.

Исломда фан ва таълим. Ислом ва санъат. Мусулмон архитектурасит (Самарканд, Бухоро, Хоразм арихитектура едгорликларининг киесий тахлили). Исломнинг жаҳон цивилизацияси ривожига ҳиссаси.

**12-мавзу. Диний маданий анъналарнинг ахамияти.**

Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли. Ўзбекистонда диний маданиятни ривожланиш тарихи ва хозирги даврдаги аҳамияти. Диний урф одатларнниг шахс дунёқараши ва тафаккурига таъсири. Дин инсоният маданий ривожининг таркибий қисми. Диний маданий анъаналарнниг аҳамияти ва уларнинг ўзаро таъсири.

**13-мавзу. Диний фанатизм ва диндорлик**

Диний фанатизмнинг пайдо бўлиши, магик тотемизм ва диний фетишизм, шаманизм. Диний фанатизмнинг асослари ва манбалари. Диний фанатизм мохиятни тушуниш зарурати. Кўркув, саводсизлик ва ишончсизлик диний фанатизм омили. Диндорликнинг пайдо бўлиши ва босқичлари.

Диний фанатизм экстремизмнинг асоси. Диний экстремизмнинг тарихий илдизлари. Ислом радикализми ва экстремизми: Хизбут таҳрир, хизбу Оллоҳ, акромийлар, ислом лашкарлари, нурчилар. Ироқ шом ислом давлати. Диний хаётнинг янги шакллари. Экуменизм ва динлараро мулоқот. Диний фундаментализм. Квазидинлар. Ўзбекистондаги диний экстремизмнинг пайдо бўлиши ривожланиш даврлари ва унга қарши кураш воситалари. Расмий рўйхатга олинган экстремистик гуруҳлар ва уларнинг фаолияти оқибатлари. Терроризм тушунчаси, шакллари, сабаблари ва унга қарши кураш механизмлари. Кибертерроризм, кибербоккинг, тушунчаларининг моҳияти. Хозирги даврда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро кучларни бирлаштиришнинг аҳамияти.

Замонавий диний харакатларнинг йўналишлари**:** Иегово шохидлари, трансцендентал медитациянинг диний мохияти. Шри Чинмоя ва Нирмала деви таълимоти. Кришнанинг халқаро онг ташкилоти. Фалунгунлар, Саи баба таълимоти. Раджниш худо хаёти жамияти. Ивановчилар, Виссарион таълимоти, Сайентология. Замонавий эзотерик таълимотлар. Замонавий эзотеризмнинг ривожланишг босқичлари ва таълимотларнинг таснифи.

Диний манбалар маъносини ўрганишнинг тарбиявий ахамияти. Дунё ва Ўзбекистонда диний маърифатни такомиллаштиришнинг йўналишлари. Халқаро диний ташкилотлар фаолияти. Диний уюшмаларнинг таснифи. Хозирги даврда инсон, жамият ҳақидаги диний ва дунёвий дунёқарашлар диалоги. Дунёда турли динга эътиқод қилувчи халқларнинг таснифи Диний ва дуневий дунёқарашларнинг ахлоқий ва эстетик жихатлари. Давлат ва хуқуқ тизимида дин омили. Диний толерантлик ва плюрализм. Дин социологияси, дин психологияси, Дин антропологияси. Секуляризация назарияси ва постсекуляр концепциялар.

## 3- МОДУЛ. КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

### 14-мавзу. Глобал коррупция ижтимоий маданий инқироз сифатида

Коррупция тушунчасининг маъноси ва шаклланиш тарихи. Диний ва илмий манбаларда коррупцияга муносабат. Дунё бўйича коррупция ҳолатининг таснифи. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро қонунлар ва уларнинг Ўзбекистонда ратификация қилишнинг аҳамияти. Ўзбекистонда коррупцияга оид қонунлар ва қарорлар таснифи, коррупцияга қарши курашнинг аҳамияти. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий - ҳуқуқий механизмлари. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида" ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019-йил 27-майдаги ПФ-5729-сон Фармони.

### 15-мавзу. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг ижтимоий, ғоявий асослари

Коррупция шаклланишининг сабаблари. Коррупциянинг шакллари. Корупциянинг турлари. Сиёсий ва ғоявий коррупция хавфсизликка таҳдид. Иқтисодий коррупция ва унинг намоён бўлиш шакллари. Кадрлар коррупцияси ва уни бартараф этиш механизмлари. Таълим ва фан тизимидаги коррупциянинг оқибатлари. Ижтимоий ҳаётдаги коррупциянинг амал қилиш соҳалари. Ғарб олимлари коррупция ҳақида. Оқ, қора ва кул ранг коррупция ҳақида. Дунё ва Ўзбекистонда коррупцияни бартараф этиш механизмлари.

## III. Семинар машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар

***(Семинар машғулотлари), (Курс иши), (Мустақил таълим)*** *ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади)*

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Фалсафа фанининг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли
2. Шарқ ва Ғарб фалсафасининг вужудга келиши, ривожланиш тарихи.
3. Фалсафа тарихида борлиқ масаласи.
4. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш амалиёти: ютуқ ва камчиликлар.
5. Фалсафа тарихида цивилизацияга турли ёндашувлар таснифи (ал Форобий, Ибн Халдун, Н.Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби).
6. Дунё халқлари маданиятидаги умумийлик ва фарқлар.
7. Фалсафа тарихида инсон моҳиятига оид қарашлар таснифи.
8. Диалектика ривожланиш хақидаги таълимот.
9. Фалсафада қонун тушунчаси. Қонунларнинг турлари.
10. Категория тушунчаси ва уларнинг турлари.
11. Фалсафа тарихида билишга оид қарашлар эволюцияси.
12. Глобаллашув, глобалистика ва барқарор тараққиёт тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи.
13. Инсоният тарихида тарбия ва таълимнинг ривожланиш босқичлари.
14. Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари.

15. Ҳукмнинг таркиби ва хусусиятлари.
16. “Этика” фанининг предмети, моҳияти, унинг асосий белгилари ва тузилмаси.
17. Замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуқлари ва камчиликлари.
18. “Эстетика” фанининг обьекти ва фалсафий моҳияти.
19. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда тарбия шаклларининг узвийлиги: Эстетик тарбиянинг турлари ва йўналишлари.
20. Дин, диншунослик, дин фалсафаси, теология, теософия художўйлик тушунчаларининг маъноси ва уларнинг ўзаро алоқаси.
21. Диний эътиқод ва рационаллик.
22. Ислом дини, унинг асосий оқимлари ва йўналишлари.
23. Исломда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий тенглик адолат ва толерантлик.
24. Исломда никох ва оилавий муносабатлар талқини, эркак ва аелнинг мақоми.
25. Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли.
26. Диний фанатизмнинг асослари ва манбалари.
27. Терроризм тушунчаси, шакллари, сабаблари ва унга қарши кураш механизмлари.
28. Коррупция тушунчасининг маъноси ва шаклланиш тарихи.
29. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий - ҳуқуқий механизмлари.
30. Коррупциянинг шакллари. Корупциянинг турлари

Семинар машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. А.Фитратнинг “Оила асари”да Оила қўриш тартиблари ва Фарзанд тарбияси, “Рахбари нажот” рисоласининг “Бахтсиз одамларнинг икки тоифасига” оид қарашлари бўйича эссе тайёрлаш, видеоролик танловини ўтказиш
2. Абу Наср Форобий ва Ғаззолийнинг фалсафа илмига оид қарашларини қиёсий таҳлил этиш (Фаробийнинг Сиёсат фалсафаси ва Ғаззолийнинг Кимеи саодат асарлари асосида); Европа мутафаккирлари Платон, Бэций, Р.Декарт, Д.Юмнинг фалсафга оид қарашларини қиёсий тахлили этиш ва фикрларга изох бериш, шарқ ва ғарб мутафаккирлари қарашларидаги фарқ ва ўзаро алоқаларни асослаш (Т схемаси методи асосида)
3. Авлонийнинг Маданият тўлқунлари маколаси ва Э.Тофлернинг учинчи тўлқин асарини қиёсий тахлил этиш
4. Аристотел , Форобий ва Кантнинг онтологиясида категориялар тааснифини қиёсий таҳлил этиш ва фарқларни аниқлаш, эссе тайёрлаш, кроссворд тайёрлаш
5. Ахборотлашган жамият ва унинг истиқболлари мавзусида эссе тайёрлаш (Тойнби, Тоффлер, Маъсуда, Хантингтон асарларининг киесий таҳлили асосида)
6. Глобал жараенлар диалектикаси мавзусида тахлилий маъруза тайёрлаш ва унинг такдимотини ўтказиш
7. Глобаллашув, глобалистика ва барқарор тараққиёт тушунчаларининг ўзаро

алоқаси ва фарқи.

8. Давлат ва ҳуқуқ тизимида дин омили мавзусида хозирги замон ғарб ва шарқ мамлакатларидаги дин омили бўйича эссе тайёрлаш

9. Диалектика ривожланиш хақидаги таълимот.

10. Дин, диншунослик, дин фалсафаси, теология, теософия художўйлик тушунчаларининг маъноси ва уларнинг ўзаро алоқаси.

11. Диний ташкилотлар фаолияти мавзусида эссе тайёрлаш.

12. Диний фанатизмнинг асослари ва манбалари.

13. Диний эътиқод ва рационаллик.

14. Дунё халқлари маданиятидаги умумийлик ва фарқлар.

15. Дуне халқлари мифлари хақида маъруза матни ва кроссворд тайёрлаш

16. Ж.Румий ва М.Шелернинг инсон табиатига оид қарашларини таҳлили этиш

17. Ж.Румийнинг “Қуёшда хам доғ бор” деганда нимани назарда тутади (Ичиндаги ичиндадур асари асосида ахлоқ тарбиясига оид эссе тайёрлаш)

18. Ж.Румийнинг “овчи ва лочин” ривоятининг моҳияти ва унинг тарбиявий ахамиятини тахлили этиш (Ичиндаги ичиндадир асари асосида)

19. Замонавий ахлоқий тарбиянинг ютуқлари ва камчиликлари.

20. Инсоният тарихида тарбия ва таълимнинг ривожланиш босқичлари.

21. Ислом нурли маърифат дини мавзусида (эссе тайёёрлаш)

22. Ислом дини, унинг асосий оқимлари ва йўналишлари.

23. Исломда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий тенглик адолат ва толерантлик.

24. Исломда никох ва оилавий муносабатлар талқини, эркак ва аелнинг мақоми.

25. Категория тушунчаси ва уларнинг турлари.

26. Коррупция тушунчаси ва унинг окибатлари мавзусида викторина ўтказиш, видео роликлар танлови ташкил этиш (талабаларнинг викторинасини ўтказиш)

27. Коррупция тушунчасининг маъноси ва шаклланиш тарихи.

28. Коррупциянинг шакллари. Корупциянинг турлари.

29. Коэволюция ва инвайронментализм: муаммо ва ечим мавзусида эссе тайёрлаш (Ўзбекистонга қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар хақида маълумотларни аниқлаш ) Ўзбекистон табиати мавзусида кроссворд тайёрлаш,

30. Қурьон сура ва оятлари маъносини ҳозирги давр воқелигига боғлаб эссе тайёрлаш (Кластер ёки Т схемаси усулидан фойдаланилади, сура ёзилади ва енида унинг хозирги даврда амалиетдаги ифождаси, масалан курьоннинг 96 уки сурасининг дуне ва Ўзбекистонда таълим сохасида амлга оширилаетган ислоҳотлар мисолида очиб берилади)

31. Қўшимча вазифа: Аль Форобий “Фозил одамлар шахри” Низомулмулк “Сиёсатнома”, Фитрат “Мухтасар ислом тарихи”, Ғаззолий “Кимеи саодат”, Румий Ж. Маснавий.40 ривоятга шарх, Э.Фромм “Душа человека”, С.Хантингтон “Цивилизациялар тўқнашуви”, Э.Тоффлер “Учинчи тўлқин” асарларининг таҳлили

32. М. Бехбудийнинг “Падаркуш еход тарбиясизи боланинг такдири” драмасини сахналаштириш ва намойиш этиш

33. М.Бехбудийннинг “Ёшларга мурожаат” ва “мухтарам ёшларга мурожаат” маколаларини тахлил этиш ва эссе тайёрлаш

34. Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли.

35. Она юртим табиати мавзусида видеороликлар танловини ташкил этиш

36. Парменид ва Мелеснинг борлиқ хақидаги қарашларидаги фарқлар ва умумийликни аниқлаш (Мелеснинг борлиқ хақида номли асари асосида эссе

тайёрлаш)

37. Платон онтологиясининг теистик(метафизик)жиҳатини Тимей диалогидаги ғоялари асосида таҳлил этиш

38. Сенеканинг Луцилийга ахлоқий хатларини таҳлил қилиш ва хар бир хатнинг ахамиятни хозирги давр нуқтаи назаридан баҳолаш, (талаба ҳар бир хатнинг мазмунини ўзининг фаолияти билан боғлаб очиб беради, шунда у ўз хаетидаги хатоларни анқилайди)

39. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда тарбия шаклларининг узвийлиги: Эстетик тарбиянинг турлари ва йўналишлари.

40. Табиатшуносликнинг замонавий концепциялари мавзусида эссе тайёрлаш (Физика, химия, геология, минерология,астрономия, информатика сохасида Ўзбекистондаги кашфиёт ва ихтиролар бўйича маълумот базасини тайёрлаш)

41. Тасаввуфнинг фалсафий жихатлари. (эссе тайёрлаш)

42. Темур тузукларининг замонавий бошқарув тизимидаги аҳамияти мавзусида эссе тайёрлаш

43. Терроризм тушунчаси, шакллари, сабаблари ва унга қарши кураш механизмлари.

44. Тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро диалектикаси мавзусида эссе тайёрлаш (Гамадер, Дилтей, Хайдегер асарлари асосида)

45. Ўзбекистон санъати ривожланиш тарихи ва хазирги замон мавзусида тақдимот тайёрлаш

46. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий - ҳуқуқий механизмлари.

47. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш амалиёти: ютуқ ва камчиликлар.

48. Ўзбекистонда таълим сохасидаги ислоҳотлар мавзусида талабалар конференциясини ташкил этиш.

49. Ўзбекистоннинг архитектура едгорликларининг қиёсий тахлил бўйича видеоролик тайёрлаш, “Менинг юртим” лойихаси доирасида хар бир талаба ўзининг вилоятидаги архитектура едгорликларининг тарихига оид такдимот тайёрлаши максадга мувофиқ.

50. Фалсафа тарихида инсон моҳиятига оид қарашлар таснифи.

51. Фалсафа тарихида цивилизацияга турли ёндашувлар таснифи (ал Форобий, Ибн Халдун, Н.Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби).

52. Фалсафа фанининг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли

53. Фалсафада қонун тушунчаси. Қонунларнинг турлари.

54. Фанларнинг таснифига оид Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг қарашлари (эссе тайёрлаш)

55. Форобий ва Ибн Синонинг онтологик қарашларини суфизм онтологияси билан қиёсий тахлили этиш

56. “Эстетика” фанининг обьекти ва фалсафий моҳияти.

57. “Этика” фанининг предмети, моҳияти, унинг асосий белгилари ва тузилмаси.

58. Ҳукмнинг таркиби ва хусусиятлари.

59. Шарқ ва Ғарб фалсафасининг вужудга келиши, ривожланиш тарихи.

60. Яссавий Хожа Ахмаднинг “Девони хикмат” асари бўйича эссе тайерлаш

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

| | |
|---|---|
| | |
| 3 | **V Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)**<br>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:<br>• дунё хақидаги энг қадимги ва замонавий билимларнинг мутаносиблиги, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг профессионал фаолиятни тўғри ташкил этиш, ижтимоий масъулиятни ошириш, давлат сиёсатига даҳлдорлик туйғусини шакллантириш; ижтимоий жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;<br>• янги онтологиянинг йўналишлари, ген онтологияси, биоонтология, тиббиёт онтологиясининг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, физик ва фалсафий онтологиянинг ўзаро алоқаси ва фарқларини билиш, ахборотлашган жамиятда технологиялардан фойдаланишда инсон ва жамият манфаатларини химоя қилиш;<br>• табиат онтологиясида биосфера ва ноосферанинг ўрни, экология, ижтимоий экология, таълим ва тарбия ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;<br>• диннинг ижтимоий, коммуникатив ва компенсаторлик, фалсафасининг дунёқарашни шакллантирувчи ва методологик, фаннинг мафкуравий, хакикатни билиш функцияларининг мутаносиблиги;<br>• интернет ижтимоий тармоқларида ахборотни танлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида мустақил қарорлар қабул қилиш;<br>• бакалавриатнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>• кибертерроризм, кибербоккингга қарши мафкуравий иммунитети шаклланган бўлиши;<br>• глобаллашув ва барқарор тараққиётнинг омилларини, коррупциянинг глобал маънавий инқироз оқибати эканлигини билиши ва унга қарши курашда дахлдорлик туйғуси шаклланган бўлиши, ижтимоий жараёнларни прогнозлаштира олиши,<br>• тана ва руҳий соғлик, тафаккур хавфсизлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш малакаси ва кўникмаларига эга бўлиши керак. |
| 4. | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• маърузалар;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• семинарлар (мантиқий фикрлаш, тезкор савол-жавоблар);<br>• гуруҳларда ишлаш;<br>• тақдимотларни қилиш;<br>• индивидуал лойиҳалар;<br>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| 5. | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш. |

| | |
|---|---|
| **6.** | **Асосий адабиётлар**<br>1. Davronov Z., Shermuhamedova N, Qahharova M, Nurmatova M, Husanov B, Sultonova A. Falsafa. -Toshkent: TMU, 2019<br>2. Jonathon A.C. Brown. hadith. -Ehgland, 2000<br>3. Samuel Guttenpion. Philosophy selected tekts with a method forbeginners.<br>4. Гилазиев З.З. Углубленное изучение истории и культуры ислама. -Казань: Изд-во ДУМ РТ. 2009.<br>5. Жалилов Б. Диншунослик. -Тошкент: 2019.<br>6. Зиновьев А. Логика. Москва, МГУ, 2006.<br>7. Иззетова Э., Пўлатова Д. Философия. -Ташкент: Шарқшунослик, 2012. 340-б<br>8. Под редакцией. Пржиленского В.И. Философия для бакалавров. Ростов-на Дону: Феникс, 2007<br>9. Чумаков А.Н. Философия. учебник. 2-издание.-Москва: ИНФРА-М, 2018<br>10. Шермухамедова Н.А. Фалсафа -Тошкент: Ношир, 2012.<br>11. Шермухамедова Н.А. Фалсафа. 2-нашр. Тошкент: Ношир, 2020. 667 бет<br>12. Шермухамедова Н.А.Диний фанатизм феномени./Инсон фалсафаси. Тошкент: Ношир, 2016 314-499 бетлар.<br><br>**Қўшимча адабиётлар**<br>13. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.<br>14. Jaspers. The origin and goal of history. New Haven and London. Yale University Press. 1965. P – 77. (P – 19)<br>15. K. S.Guttenplan. J.Hornsby. C. Janavay. Reading philosophy. Blackwell Publishers Ltd. UK. 2003. P – 341.<br>16. А.Азами. Введение в Хадисоведение. Казань: 2011<br>17. А.Фитрат. Танланган асарлар –Т.: Маънавият, 2010 -301<br>18. Абу Хомид Ғаззолий Кимеи саодат/Икки дуне саодатига элтувчи билим. -Самарканд: Имом Бухорий халкаро маркази, 2019<br>19. Аристотель Сочения. В-4-т. -Москва: Мысль, 1976<br>20. Ильин И.В. Урсул А.Д. Образование, обўество, природа.-Москва: изд-во МГУ, 2016<br>21. Кармин А.С., Новикова Е.С. Культурология. Киев, Харьков-Минск. 2003<br>22. Қурбонова Л. Фалсафий антропология ва элитология уйғунлигининг ўзига хос хусусиятлари. Фалс.фан. доктори. Дисс. –Тошкент: ЎзМУ, 2019<br>23. Лосев А.Ф. Бытие-Имя-Космос. -Москва: Мысль, 1993<br>24. Отамуродов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. Тошкент: Ўзбекистон, 2018<br>25. Платон Сочинения в 4т. -Москва: Мысль, 1996<br>26. Рудугин А.А. Эстетика. Москва: Изд-во Центр, 2003<br>27. Румий Ж. Етти мажлис. -Тошкент: Янги аср авлоди., 2019<br>28. Румий Ж. Маснавий.40 ривоятга шарх. -Тошкент: Навруз, 2019<br>29. Сайид Мухаммад Хотамий. Ислом тафакури тарихи. -Тошкент: Минхож, 2003<br>30. Саифназаров И.,Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила-Ватан таянчи.-Тошкент: “Ta’lim nashriyoti”МЧЖ, 2018. -132 б.<br>31. Темур тузуклари. Китобни нашрга тайёрловчи. Жумабой Рахимов.Тошкент: Шодлик нашриети.2018 |

| | |
|---|---|
| | 32. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. Аликулов Х. масъул мухаррир, муаллифлар жамоаси. Тошкент: Ношир, 2013<br>33. Худойберганов Р. Ўлим ва бархаетликнинг фалсафий методологик тахлили. Тошўкент: Ўзбекистон, 2017<br>34. Шарипов М. Мантиқ. -Тошкент: 2003<br>35. Шермухамедова Н.А. Борлиқ ва ривожланиш фалсафаси. -Тошкент: Ношир, 2013<br>36. Шермухамедова Н.А. Гносеология - билиш назарияси. -Тошкент: "Ношир", 2011.<br>37. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси. -Тошкент, Ношир, 2016<br>38. Яссавий Хожа Ахмад Девони хикмат. -Тошкент: Наврўз, 2018<br><br>**Ахборот манбалари**<br>39. www.ziyonet.uz<br>40. www.philosophy.ru. |
| **7.** | Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил 29 августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 452 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган. |
| **8.** | **Фан/модуль учун маъсуллар:**<br>**Шермухамедова Нигинахон** - ЎзМУ, "Фалсафа ва маънавият асослари" кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор<br>**Пўлатова Дилдора** - Тошкент давлат шарқшунослик институти "Фалсафа" кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор (Турдош ОТМ)<br>**Муаллифлар жамоаси-** ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети, Фалсафа таълим йўналиши профессор-ўқитувчилари |
| **9.** | **Тақризчилар:**<br>**Туленова Карима** - Тошкент педагогика университети профессори, ф.ф.д.<br>**Ахмедова Санам** - Тошкент давлат шарқшунослик институти "Фалсафа" кафедраси доценти фалсафа фанлари номзоди (Турдош ОТМ) |